

Хушёрлик — давр талаби ОГОХ БЎЛАЙЛИК!

Бугун, 16 феврал куни биз, ўзбекистонликлар хотирасида бўлтур айни шу куни бир гуруҳ террорчилар томонидан мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда содир этилган фожиада воқеалар ўзининг муҳим манзараси билан жонланса, ажаб эмас. Бироқ у кунни биз бу жирканч ҳодисанинг ташкилотчилари ва ижрочиларининг қайриносоний қилмишларини яна бир карра эслаш, ўша кун халқимиз бошига тушган кулфатнинг тафсилотларини қайтадан кўз олдимишга келтириш учунгина хотирламаймиз. Ва биз худди шу воқеани содир этиб, халқнинг қаҳру ғазабига учраб, охир-оқибатда жазосини топганларни ҳам яна бир марта тилга олиш учун кўлимизга қалам тутмадик. Уларнинг нимасини эслардик, итга ит ўлими-да!

Биз учун 16 феврал, энг аввало, ўша кунни шу террорчилик сабаб беғуноҳ ҳаётдан кўз юмган ватандошларимизнинг азиз хотираларини ёдга оладиган кундир. Бу кун бизлар учун ўша фожиага воқеа оқибатида ўз ота-онасини ёки фарзандини абадий йўқотган оилаларга яна бир карра чуқур инсоний ҳамдардликни изҳор этадиган кундир. Бу кун яна бизга мамлакатимизда ҳаммамиз кўникиб қолган тинчлик, осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканлигини англашга, бизни шу ноёб неъматни асраб-авайлашга, барқарор осуда турмушимизга хавф-хатар солаётган кучлардан баъдаз огоҳ бўлишга, гафлат босиб, беғам, беташвиш бўлиб яшамасликка даъват этадиган кундир.

Ҳа, ўшанда ўнлаб тошкентликларнинг оилалари қайғу-мотам оғушида қолди. Бироқ ўша кунларда ҳалок бўлганларнинг оила

аъзоларининг сўзларини газеталар, телевидение, радио орқали эшитган, жароҳат олганларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорлар курашган шифохоналардан, портлаш содир этилган жойлар атрофидаги мактаблар, болалар боғчаларидан уюштирилган репортажлар билан ҳам танишган халқимизнинг қалбида ва онгида ўша лаҳзаларда бошқа бир оловли ҳис-туйғу — ўз халқига қўл кўтарган оқпадан террорчи безориларга нисбатан беадаб қаҳр-ғазаб ҳам жунбушга келган эди. Худди ўша лаҳзаларда халқимиз оғир вазиятда ҳам матонатли бўлиб қола оладиган ва ўзини ўзи тута олиш куч-қудратига эга бир халқ эканлигини яққол намоён этди. Энг муҳими, халқимиз мамлакатимиз таъналанган йўлнинг энг тўғри йўли эканлигига ишончини йўқотмади ва бутун кучи билан, фидойилик билан мустақил давлатчилигимиз ва Президентимизни ҳимоя қилишга, ғарзали ҳар қандай кучни бамисоли чиқиндидай йўлдан супуриб ташлашга қодир эканлигини яқдил намойиш этди. Ва бизни яна шу нарса гурулантирдики, бундай яқдиллик, собитқадамлик шунчаки баландпарвоз сўз эмас, балки теран қалб эътиқоди, умумхалқ иродаси эканлигини ҳар биримиз ўшанда ўз кўзимиз билан кўрдик, бугун ҳам шунга гувоҳимиз. Мамлакатимиз раҳбари мустақил тараққиётимиз йўлидаги бундай хатарлардан бизни доимо огоҳ этиб келмоқда.

Биз кўриб турибмиз: террорчилик, турли кўринишдаги экстремизм кенг миқёсдаги хавф-хатарга айланмоқда. Шу сабабли халқро терроризмга қарши кураш масаласи ЕХХТнинг Истанбул саммитида, ундан кейин МДХ давлатлари раҳбарларининг шу йил январ ойида Москвадаги учрашувидан ҳам жиддий муҳокама этилди. Яқинда эса Жазорда бўлиб ўтган араб давлатлари ички ишлар ва-

ларининг конференциясида ҳам террорчилик, уюшган жиноятчилик ва гиёҳвандлик моддалари билан тижорат қилишга қарши кураш муаммолари кун тартибидеги бош масала бўлди. Мазкур конференцияда қабул қилинган "Жазор декларацияси"да БМТнинг мамлакатлар ва халқлар хавфсизлиги ва осойишталигига таҳдид солиб келаятган террорчиликка қарши кураш бўйича халқро конференция ўтказишга доир ташаббуси маъқулланди.

Ҳа, бутун дунёда сезиларли томир ёйган бундай хатарларга қарши ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, яқдил ва қатъийат билан кураш олиб бориши зарурат тусини олмадик. Бундай шароитда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган террорчиликка қарши кураш бўйича Халқро марказни вужудга келтириш тўғрисидаги ташаббус, шунингдек, халқро тузилмаларнинг дунёдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган кучларнинг олдини олиш ва тугатишга қаратилган фаолиятини кучайтиришга даъват этувчи таклифлари алоҳида аҳамият касб этди.

Огоҳлик тўғрисидаги гаплар кимларгадир ҳақиқатни бўрттириб кўрсатишдай бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Баъзида: "Уйинг деразасидан ташқари боқ, кўчалардан ўт, бозорларга кир. Қанақа портлаш тўғрисида гапириш мумкин? Қуруқ ваҳима-ку, бу?" деган сўзларни эшитиб қоламиз. Ҳа, баъзида! Гарчи бундай одамлар орамизда оз учраса-да, уларнинг боқибегамлигидан зинҳор кўз юммаслик керак. Биз унутмайлик: ҳа, турмушимиз бир маромада кечяпти, осмонимиз мусабфо, муҳитимиз тинч ва осойишта, кўчаларда хотиржамлик, бозорларимиз байрамгаддек гавжум, болалар ва аёллар чехрасида кулги. Бироқ... агар биз гафлатда юрсак, лоқайд бўлсак, ўтган йили содир этилган кулфат-

ларни унутсак, буларнинг барчасини бир пасда йўқотиб қўйишимиз ҳам мумкин.

Йўлбошимиз таъкидлаганидек, "халқимиз табиғатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, акцидентлар ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажигига қатта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур синдириб бориш керак".

Шак-шубҳасиз, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким чалғит олмайди. Мустақилликни халқимиз деярли бир ярим аср мобайнида кутди ва унинг қуёши бошимизда порлагани буюк бахтимиздир. Биз бу йўлдан қайтмаймиз. Ва истиклолнинг мунаввар келажиги йўлида меҳнат қилишга, курашишга тайёрмиз. Шу билан бирга, мустақиллигимизни кўра олмаётган кучлар ҳам атрофимизда мавжуд эканлигини, улар пайт ва имкон пайлаётганлигини бир лаҳза бўлса-да, унутмаслигимиз шарт. Жамиятимизда бундай хавф-хатарларни илдири билан тугатиш тўғрисида ўйлашимиз керак.

Огоҳ бўлайлик! Ўтган йилнинг 16 февралда бемаҳал ҳаётдан кўз юмган ватандошларимиз олдида яна бир марта бош эгиб, Ватанимиз олдида, ўз фуқаролик виждонимиз олдида юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари ҳаммаша дахлсиз ва тинч бўлиши учун, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, овоз ва обод келажиги учун биздан нимаики зарур бўлса, ҳаммасига тайёрмиз, деб ҳар биримиз дидимизда имон келтирайлик.

М. ЙЎЛЧИЕВ.

МЕЛЮРАЦИЯ — МЎЛ ХОСИЛА ГАРОВИ

Халқ фаровонлигини ошириш, Ватан равақи, эл-юрт осойишталигини таъминлаш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз иқтисодий ислохотларни жалаллаштиришни, аввало, қишлоқ хўжалигини бошлаш керак, деб бежиз айтмайди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун эса, энг аввало, ирригация-мелюрация ишларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Бу борда Навоий вилоятида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумланан, 450 километр узунликдаги ариқ-зоғулар тизилди. Айни пайтда Уртачўл ва Қарнобўл массивларида бир пайтлар ўзлаштирилиб, кейинчалик унутилган ерларнинг мелюратив ҳолатини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Шу боис Уртачўлдаги "ГД" насос станциясини реконструкция қилиш ва яна қўшимча 20 миң гектар янги ер ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Ёркул УМАР,
ЎЗА МУХБИРИ.

Қарор ва ижро

Фалла — ризку рўзимиз. Дастурхонимиз баракоси, зийнати. Халқимиз бунга жуда яхши тушуниди, унинг ҳар бир бошогини кўзига суртди, эъозлопти.

Аммо, афсуски, боъзи одамларнинг бебарволиги туфайли экин майдонларининг уй-ҳайвонлари томонидан топталиши ҳолатлари ҳам юз бериб турибди. Бунга асло тоқат қилиб бўлмайди. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарори асосида туманимизда тегишли чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, борча хўжаликларда фаллазорлар қатъий назорат қилиняпти. 27 та жойда қузатув пункти ташкил қилинган. 57 нафар дала қоровули, 9 нафар оптик кўриқчи бу ишга жалб этилган.

ФАЛЛАЗОРЛАР ДОИМИЙ НАЗОРАТИМИЗДА

ҳайдаб юборган фуқароларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланаяпти. Шубҳа йўқки, қарор ижросининг сўзсиз таъминлиниши натижасида туманимиз деҳқонлари мавжуд фаллазорларда мўл хосил яратдилар.

А. ОҚБОВЕВ,
Янгийўл тумани ички ишлар бўлими жиноятнинг олдини олиш бўлими ходими,
милиция майори.


БУХОРОНИНГ ГОЛЛАНДЧА ПИШЛОФИ

"Бухоросут" ҳиссасдорлик жамиятида Голландия технологияси асосида қаттиқ пишлоқ ишлаб чиқариш пехи ишга туширилди. Янги турдаги махсулотни тайёрлаш учун четдан ускуна ҳам, му-

тахассислар ҳам жалб этилмади. Корхона тасарруфидоги мавжуд технологик ускуналарни шу ернинг ўзида қайта реконструкция қилиш бунга имкон яратди.

бошқа пишлоқларни тайёрлаш учун уч ойдан бир йилгача мудат талаб этилса, голландча қаттиқ пишлоқ учун сутни қабул қилиш ва тайёрлашдан то қадоқлашгача бўлган босқичга 45 кун кифоя, холос. Янги махсулотнинг таннархи ҳам нисбатан анча арзон.

Илҳом САФАР,
ЎЗА МУХБИРИ



«Ўзкейсервис» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси техникаларининг дала-ларимизда ишлаб бонлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин улар ўзининг тежамкорлиги, ишни сифатли ҳамда унумли бажариши билан деҳқонларга маъқул келди.

Корхонанинг Фарғона вилоят сервис маркази ихтиёрида ҳозир 140 та «Магнум», 77 та «Кейс» галла уриш, 5 та пахта териш машинаси, 7 та «Максум» ҳайдов трактори бор. Ушан йили сервис маркази 88,5 миллион сўмликка яқин иш бажарди. Еки 60



миң гектар майдондаги галла «Кейс» комбайнлари ёрдамида йиғиштириб олинди, 200 миң гектар ер шудор қилинди.

Сервис маркази жамоаси 2000 йилда ўз фаолиятини янада кенайтириш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: «Кейс» комбайнлари мавсумга шай; Фарғона вилояти сервис маркази директори, вилоят Кенгаши депутати Бахтиёржон Маҳкамов, муҳандислар Ойбек Турсунов ва Мунавваржон Каримов; комбайнчи Турғунал Қаримов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ВАТАНДАН ЎЗГА ВАТАН ЙЎҚ

1999 йил 16 феврал куни бир тўда қора ниятли кишилар томонидан уюштирилган суиқасд биргина Президентга эмас, Ватанга, узоқ йиллар йўқотиб, сўнг топилган Мустақилликка нисбатан қилинган суиқасд, тажовуз эди. Биз терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан қарши қаратилган барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистонни халқро миқёсда нафақат ўзининг, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ташаббускори сифатида намоён бўлаётганидан мамнунимиз. Биз Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши, кўржига кўрк, шухратида шухрат қўшилишининг тарафдоримиз.

16 феврал воқеалари барча ўзбекистонликлар, қолаверса, ҳаммамиз учун сабоқ бўлиши керак. Фурсатдан фойдаланиб, шу Ватанда истиқомат қилаётганларнинг барча-барчасини огоҳликка, огоҳ бўлмоқликка даъват этамиз. Беғуноҳ қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз, Яратгандан руҳлари шод бўлишини тилаймиз. Ва бундай қора кунлар асло такрорланмаслигини сўраймиз.

Тинчлик, осойишталик шу Ватанда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон учун буюк неъматлигини унутмасликларини истаймиз. Чунки Ватандан ўзга Ватан йўқ.

КУТУБХОНА - НУРХОНА


ЗИЁ МАСКАНИ

С. Насафий номидаги Қашқадарё вилоят кутубхонасининг ўқув зали шу кунларда одамлар билан гавжум. Бу ерда Президентимиз асарлари, яқинда бўлиб ўтган иккинчи чакриқ Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессияси материалларидан тортиб, ўқув-услубий китоблар, турли газета ва журналлар ҳам бор. Ҳудуд замида яратилган шартнослар ҳақида кутубхоначи Дилфуза Бердиева шундай дейди:

— Зиё масканимизга кирувчилар сони кундан-кун ортиб бормоқда. Биз ҳар кун юздан зиёд китобхонага хизмат кўрсатаймиз. Уларнинг аксариятини ўқувчи-талабалар ташкил этади. Китобхоналар кутубхонамиздаги шарт-шароитдан мамнун бўлишмоқда. Кутубхона ходимларидан Асал Авазова, Раҳима Отамуродова, Лобар Фармоновалар ўқувчиларга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Одамларни билим олишга ундайдиган ва энг муҳими, бу борада яқиндан ердан берадиган воситалардан бири — бу китобдир. Шундай экан, бундай маънавий ўчоқлари қанчалик гавжум бўлса, эртанги ҳам шунчалик ёруғ бўлади.

Садбархон Жўраева.



ЯНГИ ЛИЦЕЙ



Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин она-Ватанимиз тарихига, маданий мерос қадриятларига бўлган муносибат ижобий томонга кескин ўзгарди. Илгари мустақил тузум мафкураси таъинки ва таъкибида бўлган, сохталаштирилган тарихимизга атрафлича ўрганила бошланди. Хусусан, муборак номи қораланган Амир Темури қайтадан ўзимизга қайтиб келди.

Соҳибқирон бобомиз ва Темурийлар даврининг илмий, маданий ва маърифий мероси жуда каттадир. Уни ўрганиш, аввало, кўп вақт, билим ва малака талаб этади. Чунки бу давр қарийб 500 йилдан иборат. Иккинчидан, бу ишга энди киришдик. Мазкур меросни ўрганиш, таҳлил қилиш мустақил юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиши, халқимизни, шу жумладан, ёш авлодни миллий гурури, ифтихори ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақида тарих фанлари номзода Т. ҲАМРОЕВ муҳбиримизга шундай хикоя қилади:

— XIII-XIV асрлардаги мўғуллар истибоди Урта Осиё халқлари ҳақида оғир асорат қолдирди. Қўпгина шахарлар, сув иншоотлари, мадраса ва илм масканлари йўқ қилинди, мунажжим ва алломалар узоқ ўлкаларга кетиб қолдилар. Мўғуллар босқини натижасида юз берган йўқотишлар ўрнини фақат янги, янада юксакроқ ўсиш билангина

АМИР ТЕМУР ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ

тўлдирди, халқ руҳиятида, маънавиятида пайдо бўлган тушунлиқни янги руҳий кўтаринлиқ билан бартаф қилиш мумкин эди. Энди нафақат вайрон қилинган шахарларни, хўжаликни тиклаш, шу билан бирга, илм-фан ва маданиятни ҳам ривожлантириш керак эдики, ушбу мураккаб вазифаларни бажариш билим ва кучли ирода талаб этади. Юксак билим ва иродага эга бўлган Амир Темури ўз даврининг талаб ва эҳтижларини, вазифаларини тўғри англаб етди, уларни изчил амалга оширди. Урта Осиёда илм-фан тараққиётида бурилиш ясалди.

Соҳибқирон ёшлигиданоқ китоб мутлола қилиб, билим олишга, одил ва фозил кишиларнинг қолдирган меросини ўрганишга интилган. У китоб ҳақида шундай деган: «Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидур, ҳаётни яратувчи мураббийдур».

Амир Темурининг китобни, газалиётни севганини Алишер Навоий ҳам қайд этган. «Темури Қўрагон, — деб ёзади буюк шоир, — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмай-дурлар, ammo назму насрни андоқ хўб маҳал муваққияда ўқибдурларким, аниглаб бир байт ўқигони минг яхши байт айтқонча бор».

Кўксарой кутубхонаси бой

илм ўчоқлари сифатида машҳур эди. Унда араб, турк, форс, лотин ва бошқа тилларда 13,5 мингдан зиёд турли фанларга оид китоблар тўплангани маълум. Соҳибқирон қайси мамлакатларга юрши қилмасин, у ердаги илм аҳли билан суҳбат қуришга, мавжуд китобларни йиғишга интилган. Ибн Синонинг Ҳамдодоғи мақбарасини зиёрат қилган ва асарларини топтириб Самарқандга юборган.

Соҳибқирон ўқимишли, доно кишилар даврасини, улар билан суҳбатлашгани ёқтирган, давлат ишларини йўлга қўйишда улар билан маслаҳатлашган. Машҳур тарихчи Г. Вебернинг ёзишича, Амир Темури ёнида доим шоирлар, олимлар, машоққлар ва сўфилар бўлган.

Амир Темури тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан аҳллари ва бошқа билимдонлар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келган.

Мисрлик тарихчи Валиуддин Абдурахмон ибн Халдуни Темурининг Шомга юришида қўлга тушиб қолади. Ибн Халдуни соҳибқироннинг суҳбатига бўлиб, унгача ўтган вақтни, ўзгаларга қилган хизмати бесаамар кетганлигини аниқлаб афсус чеккан. Амир Темуридан рўшнолик кўргач, ўзи севган илм билан шуғулланиш имкониятига эга

бўлган тарихчи «Тангрига ҳамд бўлинки, менинг қимматимни билдирган, хизматимни қадрайдиган ва ҳурматимни ўрнига қўядиган кишини менга ато қилди», — деб соҳибқироннинг илм аҳлига бениҳоя ғамхўрлик қилганини таъкидлаган.

Шубҳасиз, соҳибқирон саркарда сифатида, энг аввало, ҳарбий мақсадларини тезроқ амалга оширишга ҳаракат қилган. Улкан давлатни бошқариш ҳам осон иш эмасди. Лекин шунга қарамастан, у илм-маърифат аҳлини қўлга киритилган ҳар қандай ўлжалардан юқори қўйган. У қарда бўлмасин, ўз она-юртини, буюк давлатининг пойтахтини ҳар томонлама юксалтириш, уни маданият, илму маърифат ўчоғига айлантириш орузида бўлган. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, «Темури ҳар бир фойдали инсонни йиғиб, ҳар қандай нарсанинг сарасини Самарқандга келтирди. Натияжада Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намонасидан ва санъатлар гуноҳи услубидан, фазилатли ўз тенқуларидан устун турган, ўз фанида аллома бўлган кишилар тўпланган эди. Айниқса, савдо йўлларининг Самарқанд орқали ўтиши унинг иқтисодий, маданий ва илмий ривожига катта таъсир кўрсатган».

Кўриниб турибдики, Амир Темури нафақат буюк саркар-



да, шу билан бирга, маданият, илм, маърифатга ихлос қўйган, илму маърифат аҳлини ўз ҳимоясига олган, давлат ишларини бошқаришда уларнинг маслаҳатига таянган.

Бизнинг фикримизча, биринчидан, Амир Темури ва Темурийлар даври илму маърифатини махсус таъқиқ қилиш зарур. Иккинчидан, «Амир Темури ҳақи, даври ва давлати» энциклопедик лугатини яратиш вақти етди. Бу нафақат турли тиллар, манбалар ва адабиётларда сочилиб ётган маълумотларни тўплаш, шу билан бирга, соҳибқироннинг ижтимоий-маданий, илму маърифий соҳадаги қарашларини, амалга оширган ишларини тўла англаб етишга имкон беради. Қолаверса, ушбу энциклопедик лугат талабалар, аспирантлар, тарихшунослар ва ўлкамис ўғлиши билан қизиқувчи барча ўқувчилар учун муҳим қўланма бўлади.

«Халқ сўзи» мухбири Г.Йўлдошева ёзиб олди.

Анджон шаҳри кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳозир ҳам бу ерда улаб замонавий турар жой бинолари, корхоналар, ўқув муассасалари қад ростламоқда. Яқинда ўз фанларини бошлаган машина хизмат касб-хунар лицейи — ана шулардан бири. 300 ўқувчига мўлжалланган, шарқона услубда қурилган мазкур лицей буюк нашар ҳуснига-ҳусн қўйди. Бунинг устига талабаларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилгани ва хоналар замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлангани айни мудоа бўлди.

СУРАТЛАРДА: талабалар маънавият маркази хонасида; лицейнинг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Спорт

ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Нукусда энг кучли талабалар жамоалари иштирокида баскетбол бўйича Қорақалпоғистон чемпионати бўлиб ўтди. Қизгин беллашувларда Бердақ номидаги давлат университети эркаклар жамоаси ғолиб чиқиб, Қорақалпоғистоннинг 2000 йилги чемпиони унвонини олди. Бу жамоа энди 25 февралда Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этади. Аёллар жамоалари ўртасидаги ғолибликни ҳам университет қизлари эгаллаб, Самарқанд шаҳрида ўтказилган баскетбол бўйича мамлакат биринчилигида чемпионлик учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

А. ИСКАНДАРОВА, ЎЗА мухбири.

«KVANT-COMMUNICATIONS» LTD ҚУШМА КОРХОНАСИ

Advertisement for KVANT-COMMUNICATIONS LTD. Text: ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ: Япония, АКШ, Канада, Малайзия ва бошқа давлатлар ишлаб чиқарган, исталган радиочастота диапазонидagi профессионал ва ҳаваскорлик радиоалоқаси учун қўшма, автомобилбон ва стационар радиостанцияларни, кабелли телевидение жиҳозларини Тошкентдаги омборхонадан ёки бюротмага буюриш. Етказиб берилган жиҳозларга ТЕХНИКАВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ ВА ТАЪМИРЛАЙДИ. Smartank II, LTR ESAS транзитимларини тўла-тўқис ўрнатиб бериш ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. Мини АТС ва бошқа махсус радио электрон техникани ЕТКАЗИБ ВА СОЗЛАЙДИ. Тел: (3712) 53-02-76, 30-22-03. Факс: 79-68-93. E-MAIL: KVANT@GIMLI.COM

Ўзбекистон — Очиқ жамият институти Кўмак фонди

Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари орасида Ўзбекистон — ОЖИКФ грантларини олиш учун қуйидаги дастурлар доирасида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Таълим.
2. Хуқуқ.
3. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш.
4. Жамиятнинг соғломлаштириш.
5. Аёллар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш.
6. Оммавий ахборот воситалари.
7. Маданият ва санъат.
8. Кичик бизнестга кўмаклашиш.
9. Кутубхоналар.
10. Интернет (Тошкент шаҳридаги подаяват потияжорат ташкилотлари (ННТ) учун дунё ахборот манбаларига йўл очин).

Танловнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

Танловда — ННТ, ўқув ва илмий-тадқиқот институтлари ҳамда муассасалари, тиббий ва маданий-маърифий муассасалар иштироки мумкин.

Танлов икки босқичда ўтказилади. Унинг биринчи босқичида хоҳловчилар ЎОЖИКФга (икки нусха)дан баённома топириб, унда қуйидагиларни кўрсатадилар:

- 1. Титул варағида:
- Ташкилотнинг номи.
- Почта манзили (бунга почта индекси ҳам қиради), телефон ва факс рақами, ташкилот электрон почтасининг манзили.
- Лойиҳа директори.
- Лойиҳанинг номи.
- Лойиҳанинг бажарилиш муддати (12 ойдан ошмаслиги керак).
- ЎОЖИКФдан сўраладиган, шартли бирлиги — АКШ доллари бўлган маблағ.
- Лойиҳанинг шартли бирлиги — АКШ доллари бўлган умумий суммаси (ушбу лойиҳага бошқа донорлар қўшалган улуси ҳам) кўрсатилиши керак.

2. Баённомада (ҳажми 2 саҳифадан ошмаслиги лозим) қуйидагилар қисқа, аниқ тавсиф этилади:

- Қўйилган муаммо.
- Лойиҳанинг мақсади.
- Лойиҳани амалга ошириш йўллари.
- Бюджет лойиҳаси (шартли бирлиги — АКШ доллари). Бюджет, ташкилот ҳисобига пул тўлов кунда Марказий банк томонидан белгиланган расмий курс бўйича сўм билан ўтказилиши инobatта олинган ҳолда тузилади.
- Лойиҳа натижаларидан фойдаланиши мумкин бўлган шахслар ва ташкилотлар доираси.

3. Баённомада танловнинг 1-босқичига ўтишда ташкилотнинг ЎОЖИКФга лойиҳа билан бирга қуйидагиларни топширганлиги қайд этилиши лозим:

- Ташкилот Низомининг нусхаси.
- Рўйхатта олинганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси.

ЎОЖИКФга жўватилган барча ҳужжатлар лойиҳа директорининг имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Танловга тижорат мақсадларини кўзловчи, зўравонликни, шафқатсизликни, миллатлараро низо кабиларни туғдирувчи гоъяларни тарғиб этадиган баённомалар қабул қилинмайди.

Танловнинг биринчи босқичи қўйилган лойиҳа танловига қатнашиш учун рухсат этилади.

Жамиятдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга бағишланган оригинал баённомалар (лоийҳалар)га; уларнинг манбаи аниқ ва тарқибига бошқа донорлардан ҳам маблағ тушадиган бюджетли бўлишига; лойиҳанинг мақсади мувофиқлиги ва самардорлиги асосда берилганлигига ҳамда грант тўлови тутаганидан кейин ўзини ўзи (тўла ёки қисман) маблағ билан таъминлаш имкониятига эга бўлишига алоҳида устун эътибор қилинади.

Ҳар бир ташкилотдан фақат битта лойиҳа қабул қилинади. ЎОЖИКФдан маблағ олиб, лекин лойиҳа бўйича ишнинг тугаллай олмаган ташкилотлар ушбу танловда қатнашиш учун қўйилмайди.

Танловга аризалар мазкур эълон газетлада эълон чиққангидан кейин қабул қилина бошланади. ЎОЖИКФ офисида аризалар қабул қилиниши сўнги муддати — 2000 йилнинг 15 март кунини соат 18.00 гача (ёки ҳужжатлар почта орқали жўнатилса — 2000 йилнинг 15 март кунидан кеч бўлмаган почта муҳри инobatта олинади). Танлов биринчи босқичининг натижалари унда ғолибликка эришганларга 2000 йилнинг 30 март кунигача маълум қилинади. Танлов ғолибларидан лойиҳалар 2000 йилнинг 3 апрелдан 1 май кунигача қабул қилинади.

Аризалар ва лойиҳалар ЎОЖИКФнинг экспорт комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлов ғолибларини ЎОЖИКФ бошқаруви тасдиқлайди. Лойиҳалар танловининг якуналари 2000 йилнинг 30 июн кунигача эълон қилинади.

Танлов ўтказиш тартибининг барча масалалари бўйича қуйидаги маърузага мурожаат қилинади: 700031, Тошкент шаҳри, «Зарбо» кўчаси, 31-уй, ЎОЖИКФ. Тел/факс: 120-68-54, 53-54-53, 56-55-69. Электрон почта: osi.osi.freinet.uz.

Advertisement for Vinlad. Text: Ҳаётингизни хотиржам қиламиз! Барча жиҳозларга нархларнинг 10% дан 30% гача арзонлаштирилганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ. Кафолатлар сақланади. Қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш панеллари, ТВ-камералар, МОНИТОРЛАР, МЕТАЛЛ ДЕТЕКТОРЛАРИ, Қўриқлаш датчиклари, ВА БОШҚА АСБОБЛАР. Honeywell SILENT WITNESS FERMAX. Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс 50-03-61

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРХОДИЙ,
И. ХУДОЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўбсий ҳаёт — 133-57-34;
Хуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 106, 27017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-III компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ. Навбатчи — А. ХОНИМҚУЛОВ. Мусахҳах — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 23.50 1 2 3 4 5 6